

Жаҳон банки иштирокидаги
«Ўзбекистон статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш»
лойиҳаси тўғрисида
МАЪЛУМОТ
(2025 йил 26 июнь ҳолатига)

1. Лойиҳа номи: Ўзбекистон статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш.

2. Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдаги 113-сонли қарори.

3. Лойиҳа мақсади: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг салоҳиятини ошириш, статистик маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнларини ва тарқатиш амалиётини такомиллаштириш. Лойиҳа 2020-2025 йилларга мўлжалланган "Миллий статистикани ривожлантириш стратегияси"ни амалга оширишга қаратилган.

4. Ижро қўмитаси: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси.

5. Лойиҳанинг умумий қиймати: 63,3 млн АҚШ доллар, жумладан:

- Халқаро тараққиёт уюшмасининг (ХТУ) 50,0 млн доллар миқдоридаги кредити, қайтариш муддати 30 йил, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олади;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси 13,3 млн долларни ташкил этади, бу солиқ, божхона ва молиявий харажатларни қоплаш тарзида амалга оширилади.

6. ХТУ ресурсларини тақдим этиш шартлари:

Муддат:	30 йил, жумладан 5 йиллик имтиёзли давр
Фоиз ставкаси:	йиллик 1,25% ва ўзгариш ставкаси
Хизмат кўрсатиш учун комиссия:	йиллик 0,75% ва ўзгариш ставкаси
Мажбурият учун комиссия:	0,5%

7. Амалга ошириш муддати: 2024-2028 йиллар.

8. Молиявий битимни имзолаш санаси: 2022 йил 23 апрел

9. Лойиҳа компонентлари (50 млн. АҚШ доллари - ХТУ):

- **Институционал ислоҳот ва салоҳиятни ошириш**

(2,3 млн. АҚШ доллари):

- институционал ислоҳот;
- инсон салоҳияти.

- **Маълумотлар ишлаб чиқариш (30,0 млн. АҚШ доллари):**

- миллий ҳисоблар ва бизнесни рўйхатга олиш;
- фаровонликни мониторинг қилиш тизими;
- аҳоли рўйхатга олиш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мониторинг тизими;

- усуллар, стандартлар ва регистрлар;
- компонент бўйича тақсимланмаган маблағлар.
- **Жихозларни яхшилаш ва тарқатиш амалиёти** (15,7 млн. АҚШ

доллари):

- маълумотларни қайта ишлаш ва жиҳозлар;
- таҳлил ва тарқатиш;
- компонент бўйича тақсимланмаган маблағлар.
- **Лойиҳа бошқарувини қўллаб-қувватлаш** (2 млн. АҚШ доллари)
- лойиҳани бошқариш гуруҳи (ЛБГ) харажатлари;
- компонент бўйича тақсимланмаган маблағлар.

10. Лойиҳанинг амалга оширилиш ҳолати ва эришилган натижалар.

1) Статистика қўмитаси учун “Сифат бошқаруви” бўйича **ISO 9001:2015** стандарти сертификати “Central Asia” МЧЖ томонидан тақдим этилди, шунингдек “Киберхавфсизлик” ДУК томонидан қўмига тегишли сайтларини (**hisobot.stat.uz, planshet.stat.uz, siat.stat.uz va module.stat.uz**) экспертизадан ўтказилиш мақсадида 40 000 АҚШ доллари миқдордаги шартномалар имзоланди.

2) **Маълумотлар маркази (Дата-марказ)**нинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш мақсадида маҳаллий ташкилот “Maorif Plus” МЧЖ билан 117 000 АҚШ доллари миқдордаги шартнома имзоланди ва шартнома асосида амалий ишлар олиб борилмоқда.

3) **Миллий статистикани ривожлантириш стратегиясини (НСРС)** ва Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини таҳлил қилиш, тавсиялар бериш ҳамда экспертларнинг техник топшириқларини ишлаб чиқиш мақсадида 6 ой муддатга халқаро эксперт (47 000 долл.) Ирина Берналь (Молдова) жалб қилинди.

4) Миллий статистика қўмитаси биносида яратилиши режалаштирилган **Медиа-марказнинг** лойиҳа ҳужжати ва ускуналарнинг техник параметрларини ишлаб чиқилиб тендер жараёнлари бошланди;

5) Статистика қўмитасининг марказий ва ҳудудий бошқармалари учун жами 700 000 АҚШ доллари миқдордаги **АКТ техникалари**, жумладан 900 дона принтерлар, 24 та рангли принтерлар, уй хўжаликлари учун 234 дона планшет қурилмалари, сунъий интеллектни ривожлантириш учун 8 дон моноблок ва компьютерлар, 17 дона “Face ID” турникетлари, 930 дона “IP” телефонлар ва “IP АТС”, “UPS” батареякалари, мажлислар зали учун микрофонлар ва бошқарув блоклари, антивирус ESET, янги “SSL” хавфсизлик сертификатлари ва “СТАТА” дастурлари харид қилинди.

6) Статистика қўмитасининг ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти биносида “Рақамли статистика” илмий-амалий лабораторияси ва “Электрон статистика” халқаро илмий нашрлар кутубхонаси ташкил этилди, зарур таъмирлаш, мебель, АКТ, офис жиҳозлари ва “Znanium” халқаро илмий нашрларга обуна ва китоблар харид қилинди (120 000 АҚШ доллари миқдорида).

7) Статистика қўмитасининг бошқармалари ва тизимга алоқадор ташкилотлардан жами 34 нафар ходимларнинг дата марказни ташкил этиш, рўйхатга олиш масалалари, “Open Data”, “Big Data”, GSBPM, сунъий интеллект, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки томонидан ташкил этилган бахорги сессиялар ва бошқа йўналишларда **Корея, Малайзия, Польша, БАА, Сингапур, Англия, АҚШ ва Тайланд давлатларига хорижий ўқув ва хизмат сафарлари ташкил этилди.**

8) "Гендер статистикаси" мавзусидаги 130 китобдан иборат тўплам нашр этилди. Шунингдек, Статистика қўмитаси учун "Барқарор ривожланиш мақсадлари" йўналишида 364 та китоб нашр қилинди.

9) Миллий статистика қўмитаси томонидан олиб борилаётган трансформация жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида Жанубий Африка Миллий статистикаси собиқ раҳбари **Pali Lehohla** билан шартнома имзоланди.

Лойиҳанинг жорий ҳолати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида янги ташкил этилган Миллий статистика қўмитасига **юкланган долзарб вазифалардан** келиб чиққан ҳолда ҳамда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни оптималлаштириш ва иқтисод бўлиши кутилаётган маблағларни лойиҳа доирасида бошқа тадбирларга йўналтириш мақсадида Техник-иқтисодий асосноманинг ички компонентлари харажатлар қисми қайта тақсимланиб **Ҳукумат ва Жаҳон банки билан келишилди.**

2. Миллий статистика қўмитаси томонидан аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирлари билан умумлаштирган ҳолда 2025 йилда амалга ошириш, шунингдек ушбу тадбирларни тегишли ташкилотларда шаклланган мавжуд маълумотлар базасини интеграция қилиш ва “махалла еттилиги” ва бошқа тизимдан фойдаланган ҳолда амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу рўйхатга олиш тадбирига пухта тайёргарлик қўриш ҳамда жараённи халқаро услубиётга мослигини таъминлаш мақсадида халқаро эксперт ташкилотлар (ЮНФПА, Жаҳон банки, ФАО ва бошқалар)ни жалб қилиш ишлари амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида рўйхатга олиш тадбирлари учун мўлжалланган планшетларни харид қилишдан иқтисод бўлиши кутилаётган маблағларнинг (22,7 млн АҚШ долл.) бир қисмини ушбу тадбирларга йўналтириш, жумладан

рўйхатга олиш тадбирларига тайёргарлик кўриш ва интервьюерларга бир марталик мукофот пули кўринишида жами 10 млн АҚШ долларига яқин маблағларни сарфлаш режалаштирилган (12,7 млн АҚШ долл. иқтисод бўлиши кутилмоқда).

Юқорида таклифлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси Миллий статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқилиб, қисқа фурсатларда Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва келишиш учун киритилиши режалаштирилган.

3. Миллий статистика қўмитаси биносида **Маълумотлар маркази (Дата-марказ)ни ташкил этиш** мақсадида жалб қилинган экспертлар билан биргаликда тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиб якунига етказилмоқда. Дата-марказни ўрнатиш бўйича эълон жорий йилнинг июль ойи давомида амалга оширилиши кутилмоқда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида янги ташкил этилган Миллий статистика қўмитасига юкланган долзарб вазифаларни, жумладан **трансформация жараёнини қўллаб-қувватлаш** мақсадида чуқур тажрибага эга халқаро экспертларни ҳамда чет эл миллий статистика офисларининг собиқ раҳбарларини жалб этиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

**Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида
жорий ўзлаштириш кўрсаткичи тўғрисида**

МАЪЛУМОТ

(2025 йил 26 июнь ҳолатига)

Компонентлар/Субкомпонентлар	Лойиҳа бюджети (млн АҚШ доллар)	Жами ўзлаштирилган маблағлар (млн АҚШ доллар)	Қолдиқ маблағ (млн АҚШ доллар)
Компонент 1: «Институционал ислоҳот ва салоҳиятни ошириш», жами:	2,3	0,30	2,0
Субкомпонент 1.1: «Институционал ислоҳот»	0,5	0,0	0,5
Субкомпонент 1.2: «Инсон салоҳияти»	1,8	0,30	1,50
Компонент 2: «Маълумотлар ишлаб чиқариш», жами:	30,0	0,04	29,96
Субкомпонент 2.1: «Миллий ҳисоблар ва бизнес рўйхатга олиш»	7,0	0,0	7,0
Субкомпонент 2.2: «Фаровонликни мониторинг қилиш тизими»	1,4	0,02	1,38
Субкомпонент 2.3: «Аҳолини рўйхатга олиш»	10,0	0,0	10,0
Субкомпонент 2.4: «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини мониторинг тизими»	6,7	0,02	6,68
Субкомпонент 2.5: «Усуллар, стандартлар ва регистрлар»	1,0	0,0	1,0
«Компонент бўйича тақсимланмаган маблағлар»	3,9	0,0	3,9
Компонент 3: «Жиҳозларни яхшилаш ва тарқатиш амалиёти», жами:	15,7	0,71	15,0
Субкомпонент 3.1: «Маълумотларни қайта ишлаш ва жиҳозлар»	12,0	0,68	11,32
Субкомпонент 3.2: «Таҳлил ва тарқатиш»	1,8	0,03	1,77
«Компонент бўйича тақсимланмаган маблағлар»	1,9	0,0	1,9
Компонент 4: «Лойиҳа бошқарувини қўллаб-қувватлаш»	2	0,35	1,65
Жами:	50,0	1,6	48,4

**«Ўзбекистон статистика тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш» лойиҳаси
доирасида **2025 йил давомида** амалга оширилиши режалаштирилган
ХАРИДЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбир номи	Ажратилган бюджет (АҚШ доллари)
1	Статистика қўмитаси биносида Маълумотлар маркази (Дата-центр) ни яратиш	3 500 000
2	Статистика қўмитаси биносида Медиа марказни яратиш	200 000
3	Шахсий ахборот коммуникация технологияларини (Серверлар, свитч ускуналари, рангли принтерлар ва типография учун маҳсус чоп этиш қурилмалари, кузатувлар учун планшетлар, инфо-табло ва бошқа техникаларни, шунингдек зарур дастурий таъминотларни (“Firewall”, “SSL”, Сунъий интеллект (AI), Бизнес портал (BI) харид қилиш	900 000
4	Статистика қўмитаси ходимлари учун тренинг ва семинарларни ташкил этиш ҳамда чет эл ва маҳаллий экспертларни жалб қилиш (админдата, дата аналитик, дискрет кўринишда маълумотларни шакллантириш, инглиз тили ва сунъий интеллект (AI) бўйича ўқув курслари)	150 000
5	Лойиҳани бошқариш харажатлари	250 000
ЖАМИ:		5 000 000